2008 ЙИЛ, 18 ИЮЛЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 138 (11.199)

Баҳоси эркин нархда

Аввал хабар берилганидек, 2008 йил 10 июль кечаси Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг Бухоро вилояти Когон туманида жойлашган ҳарбий қисмининг ракета-артиллерия омборида ўт чиққан ва у омборда ёнғин юз бериши ҳамда ўқ-дориларнинг портлашига сабаб бўлган эди. Айни вақтда вазиятни бартараф этиш, зарур хавфсизлик чораларини таъминлаш ва жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳукумат, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа тузилмалар раҳбарларидан иборат ҳукумат комиссияси фавқулодда воқеа содир бўлган жойда иш олиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари ҳукумат комиссиясининг Когон туманида бўлиб ўтган йиғилишини бошқарди. Йиғилишда фалокат сабабларини аниқлаш билан боғлиқ ишларнинг бориши, содир бўлган воқеа оқибатларини бартараф этиш бўйича кўрилаётган зарур чора-тадбирлар ҳақида тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари тингланди. Шу ҳудудда ишлаётган ҳарбий хизматчилар хавфсизлигини таъминлаш, воқеа содир бўлган жойнинг яқинида яшайдиган ва хавфсиз жойга кўчирилган аҳолига тегишли моддий ва маънавий кўмак бериш, жабрланганларга зарур тиббий ёрдам кўрсатиш борасидаги ишлар муҳокама қилинди.

Бу борада амалга оширилаётган ишларни атрофлича таҳлил қилар экан, Ислом Каримов, аввало, мавжуд вазиятни ҳар томонлама чуқур тасаввур қилиш ва рўй бериши эҳтимоли бўлган салбий ҳодисаларнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўриш лозимлигини уқтирди.

– Бунда ҳар бир ишни пухта ўйлаб, аниқ таҳлил ва қатъий меъёрлар

## ҲАРБИЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК — ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИМИЗ САЛОҲИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ГАРОВИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 17 ИЮЛЬ КУНИ БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ КОГОН ТУМАНИДА БЎЛДИ**

асосида бажариш муҳим аҳамиятга эга, – деди Юртбошимиз. – Биринчи навбатда, воқеа содир бўлган жой атрофида яшаётган аҳолининг, ўз хизмат бурчини бажараётган ҳарбийларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратишимиз керак.

Рўй берган бу воқеанинг асосий сабаби шундаки, совет даврида барпо этилган мазкур ўқ-дори омбори бундай объектлар учун белгиланган норматив талабларни инобатга олмасдан қурилган.

Бугун афсусланиб айтиш кераккi, жанговар снаряд ва ўқ-дорилар сақланган бу омбордаги аҳвол, портловчи моддаларнинг қандай сақланаётгани, уларнинг эртага қандай хавф етказиши мумкинлиги, бундай объектлардаги тартиб-интизомнинг ҳолати тўғрисида тегишли мутасадди ташкилотлар, аввало́мбор, Мудофаа вазирлиги етарлича эътибор ва масъулият кўрсатмаган. Кўп нарса ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундай ўта муҳим объектни қўриқлайдиган, унинг хавфсизлигини таъминлайдиган ҳарбий қисм раҳбарияти ва ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш масаласига совуққонлик билан қаралган.

– Когон туманида содир бўлган ушбу фавқулодда ҳодиса ва унинг сабаблари, етказилган зарар оқибатларини аниқлаш бўйича ҳозирги кунда Бош прокуратура ва мутасадди органлар томонидан тергов ишлари олиб борилмоқда ва ўз вақтида керакли хулосалар чиқарилади ва жамоатчилигимизга маълум қилинади, – деди Ислом Каримов. – Мақсад – ҳақиқатни аниқлаш, бундай фалокатлар қайтарилмаслигининг олдини олиш учун зарур барча чора-тадбирларни кўриш.

Йиғилишда муҳокама қилинган барча муҳим ва долзарб масалаларни ўз вақтида ва пухта бажариш бўйича давлатимиз раҳбари томонидан тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарларига топшириқлар берилди.

Шундан сўнг Президентимиз Ислом Каримов мазкур ҳудудда жойлашган, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига қарашли вертолётчилар ҳарбий қисмида бўлиб, бу ерда ҳарбийларнинг хизмат вазифасини ўташи, дам олиши, спорт билан шуғулланиши, маданий ҳордиқ чиқариши учун яратилган шароитлар билан танишди. Ҳарбий хизматчилар билан суҳбат чоғида уларнинг хизмат фаолияти, оилавий аҳволи билан қизиқди.

Ислом Каримов ҳарбий қисм жойлашган ҳудудни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, тегишли инфратузилмалар яратиш юзасидан кўрсатмалар берди.

– «Ислоҳотлар – инсон учун!», деган эзгу ғоямизни ҳарбийлар учун ҳам тўла татбиқ этишимиз, уларнинг хизмати ва турмуши учун зарур барча шароитларни яратиб беришимиз шарт, бунинг учун давлатимизнинг салоҳияти ва маблағи етарли, – деди Президентимиз пировардида. – Ўзини Ватан ҳимоясидек олижаноб ва шарафли ишга бағишлаган ҳарбий хизматчиларнинг машаққатли меҳнатини ҳар томонлама қадрлаш, уларга давлат ва жамиятимиз томонидан доимо ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш – Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти ва куч-қудратини юксалтиришнинг асосий шарти ва гаровидир. Бу ишдан Ўзбекистонда яшаётган ҳеч бир инсон четда турмайди, деб ишонаман.

**(ЎзА)**

**17 ЙИЛ МУСТАҚИЛЛИК**

*Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир*





*Бунёдкорлик*

## ЛИЦЕЙ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

**ҲАР ТОМОНЛАМА СОҒЛОМ, МАЪНАН ВА ЖИСМОНАН БАРКАМОЛ, БИЛИМЛИ, ЎЗ МУСТАҚИЛ ФИКРИГА ЭГА ЁШЛАР ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИДИР. МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТИМИЗДА АНА ШУНДАЙ АВЛОДНИ ВОЯГА ЕТКАЗИШГА ҲАР ТОМОНЛАМА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.**



Ёшларнинг билим олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари, етук мутахассис бўлиб камол топишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастуридан келиб чиққан ҳолда талаблар даражасидаги замонавий ўқув масканлар —мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари бунёд этилаётгани, уларнинг моддий-техника базасининг мустаҳкамланаётгани фарзандларимизнинг чуқур билим олиб, касб-ҳунарли бўлишларида, ўз етукликларини намоён этишларида катта аҳамият касб этмоқда.

Пойтахтимизда ҳам юқоридаги дастурлардан келиб чиқиб ўқув масканлари бунёдкорлиги борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳар йили янги ўқув йилида янги қад ростлаган ва қайта қурилган мактаб, лицей ва коллежлар минглаб ўқувчи ҳамда талабаларни ўз бағрига олмоқда.

Айни кунда ана шундай ўқув масканларидан бири Миробод туманининг Азиз Қодиров номли кўчасида қад ростламоқда. Тошкент Темир йўллари муҳандислари институти қошидаги ушбу академик лицей 540 ўқувчига мўлжалланган. Педагог ва ўқувчилар учун барча шароитлар яратилиши кўзда тутилаётган ушбу 3 қаватли бино қурилиши жорий йил бошида бошланган эди. Мазкур замонавий лицейни тендерда ғолиб топилган «Темурмалик» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари қуришмоқда. Объектни «калити билан» усулида фойдаланишга топширишни зиммаларига олган қурувчилар бугунги кунда асосий қурилиш-тиклаш ишларини поёнига етказишмоқда. Шунинг баробарида эшик ҳамда ромларни ўрнатиш, томни ёпиш ва пардозлаш юмушлари ҳам кетма-кет сифатли амалга оширилмоқда.

—Мустақиллик шарофати билан ўз фаолиятимизни 1999 йилда бошлаганмиз, — дейди қурилиш участкаси бошлиғи Ҳаким Ширинов. —Ўтган йиллар мобайнида анча тажриба тўпладик, сафларимиз малакали кадрлар билан тўлди, ёш йигитларимиз қўли гул усталардан ҳунар сирларини ўрганиб қаторга қўшилди. Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларида кўплаб ўқув биноларини қуришда фаол иштирок этдик. Ушбу лицей қурилиши эса пойтахтдаги биринчи ишимиз саналади. Шу боис ҳам масъулиятни ҳис этган ҳолда унум билан ишлашга, сифатга асосий эътиборни қаратишга интиляпмиз.

— Қурувчиларимиз айни иссиқ паллада тер тўксада, —дейди уста Акмал Қодиров, —иш суръатини бир зум ҳам бўшаштирмиаяпти. Чунки ўз сўзимизнинг устидан чиқиб, академик лицейни янги ўқув йилига қуриб битказишимиз лозим. Бунинг учун 150 нафардан зиёд қурувчи ғайрат кўрсатмоқда. 12 та бригададан ташкил топган бунёдкорларимиз орасида монтажчи, ғишт терувчи, пайвандчи, бўёқчи, сувоқчи, дурадгор, ҳайдовчи сингари ўз касбининг усталари бор. Уларнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги эса бунёд этилаётган бино мустаҳкамлиги ва кўркида намоён бўлади. Шу ўринда бетончи Турғун Шоимов, ғишт терувчилар Қаҳрамон Бердиев, Уйғун Шоимов, бўёқчи Шерзод Ширинов, сантехника устаси Бекмурод Файзиев сингари бунёдкорларнинг меҳнат маҳоратини алоҳида таъкидласак арзийди.

Қурилишда иш икки сменадан ташкил этилган бўлиб, ҳайдовчилар томонидан пешма-пеш келтирилаётган қурилиш ашёлари, омилкорлик билан фойдаланилаётган техника воситаларининг мададкорлиги бунёдкорларнинг тез ва соз ишлашларида қўл келмоқда. Асосан маҳаллий қурилиш ашёларидан самарали фойдаланилмоқда. Ўқув хоналарининг барчаси, кимё-биология ва информатика хоналарини замонавий жиҳозлаш режалаштирилган. Шунингдек, фаоллар зали, спорт зали талаблар даражасида бўлади, кутубхона ва буфетда ўқувчилар, педагоглар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилади. Албатта, ёзги спорт майдончалари ҳам бунёд этилади, кўкаламзорлаштириш ҳамда ободонлаштиришга эътибор қаратилади.

Бир сўз билан айтганда, янги ўқув йили лицейда билим олувчилар ва уларга сабоқ берувчиларни хушнуд этиши, шубҳасиз. Бундай қувончли воқеа Мустақиллигимизнинг 17 йиллиги шодиёналари кунларида, албатта, ўғил-қизлар, педагог ва уларнинг ота-оналари учун қўшалоқ байрам бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: қад ростлаётган лицей биноси; иш юритувчи Акмал Қодиров (ўртада) қурувчилар Мурод Бозоров ва Бекмурод Файзиев билан бажарилажак ишларни режалаштирмоқда; электр устаси Асқар Пардаев ўз вазифасини ортиғи билан уддаламоқда.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## «XXI АСР САДОСИ»

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг шу йил 1 майда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар Дастури тўғрисида»ги Фармони ижроси доирасида Термиз шаҳрида суд-ҳуқуқ соҳаси ислоҳотларининг устувор йўналишларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

**● Гулистон шаҳрида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлашга бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.**

**● Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Сирдарё вилояти филиали томонидан ўтказилган тадбирда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, соҳа мутахассислари иштирок этди.**

**● Хоразм вилоятидаги 1-«Шовот» божхона масканида санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлаш мавзуида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди. Унда ёз мавсумида тарқалиши хавфи ортадиган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида сўз борди.**

**●Янгиер шаҳридаги академик лицейнинг соя-салқин боғида халқ таълими бўлими ташаббуси билан 100 нафар болага мўлжалланган болалар кундузги оромгоҳи иш бошлади. Ҳомийлар ва касаба уюшмаси маблағи ҳисобига ташкил этилган ушбу оромгоҳда болаларнинг мароқли дам олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган.**

**● Андижон туманидаги «Кўқонлик», «Намуна», «Мустақиллик», Қўрғонтепа туманидаги «Иттифоқ», Пахтаобод туманидаги «Учқўрғон» маҳаллаларида, шунингдек, Марҳамат ва Пахтаобод туманларидаги марказий бозорларда «Андижон матлубот савдо» акциядорлик компаниясининг янги мини-маркетлари очилди. Замонавий савдо ва совутиш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган ушбу мини-маркетларда харидорларнинг буюртмалари уйларига ҳам элтиб берилмоқда.**

**●Бойсун туманида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлик даражасини ошириш мақсадида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Туман бандликка кўмаклашиш маркази томонидан ташкил қилинган ярмаркада етмишдан ортиқ ташкилот ва корхона 300 га яқин бўш иш жойини таклиф этди. Шу куни туман электр тармоқлари, автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатиш корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа хусусий тадбиркорлик субъектлари юзга яқин ёшлар билан меҳнат шартномаси тузди.**

### ЖАҲОНДА

**● Фаластин ва Исроил давлатлари ўртасида тинчликни таъминлашга қаратилган музокараларнинг навбатдаги босқичи июль ойининг охирларида Вашингтонда ўтказилади.**

**● БМТ Бош котиби Пан Ги Мун Косовода полициячилик фаолиятини амалга ошириш ваколатларини БМТдан Европа Иттифоқи миссиясига ўтказиш лозимлигини таъкидлади.**

**● АҚШ Президенти Жорж Буш мамлакат нефть заҳирасини очишни ман этди. Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот конференциясида Президент заҳирадан фойдаланишга айни дамда ҳожат йўқлиги ва у фавқулодда ҳолатдагина очилишини айтиб ўтди. Бу билан Жорж Буш Америкада вужудга келган ёқилғи инқирозини тан олмаслигини ошкор қилди.**

**● Кеча НАТО халқаро кучлари Афғонистоннинг жануби-шарқидаги Пактика музофотида бир гуруҳ жангариларга қарши ҳарбий юришни амалга оширдилар. Тўқнашувлар пайтида 150 нафар жангари йўқ қилинди.**

**● Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрининг 10 мингдан зиёд аҳолисини вақтинча эвакуация қилишга тўғри келди. Шаҳар марказидаги қурилиш майдонларининг бирида иккинчи жаҳон уруши давридан қолиб кетган бомбанинг топилиши бунга сабаб бўлган. Ярим тоннадан оғир ва ҳар қандай вақтда портлаб кетиши мумкин бўлган бомба хавфсиз жойга кўчирилиб, зарарсизлантирилгач, аҳолининг турар жойларига қайтишига рухсат берилди.**

**● Кеча АҚШда ўтказилган савдоларда бир баррел нефтнинг нархи 130 доллардан ҳам пастга тушиб кетди.**

**● Вьетнамнинг Ньячанг курорт шаҳрида ўтказилган «Бутунжаҳон гўзали» танловида венесуэлалик 22 ёшли Дайана Мендоза ғалаба қозонди.**

**● Мисрда йўлда ҳаракатланаётган автобуснинг поезд билан тўқнашиб кетиши оқибатида 40 га яқин киши ҳалок бўлган, 60 га яқини эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Шунингдек, ҳалокат натижасида поезднинг иккита вагони издан чиқиб кетган. Ҳозирча тўқнашув сабаблари номаълум.**

**● АҚШда Гуантанамо қамоқхонасининг терроризмда айбланаётган маҳбуслари устидан дастлабки суд жараёни бошланмоқда. Илк суд мажлиси душанба куни ўтказилади.**

**●Германиянинг Потсдам университети астрономлари Галактика марказида жуда ёрқин юлдузни топишга муваффақ бўлдилар. Таъкидлаш керакки, ушбу юлдуз Сомон Йўлида жойлашган энг ёруғ жисм номига даъвогарлик қилиши мумкин.**

## "КАМОЛОТ": ҲАМКОР ВА ҲАМНАФАС

**АСРЛАР ДАВОМИДА ШАКЛЛАНГАН МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ, УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗНИНГ БЕТИМСОЛ БОЙЛИГИ, ИСТИҚЛОЛИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ ВА ПОРЛОҚ ИСТИҚБОЛИМИЗ КАФОЛАТИДИР. БУГУНГИ ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА ИНСОН ОНГИ ВА ТАФАККУРИНИ ЭГАЛЛАШ ЙЎЛИДАГИ КУРАШ КЕСКИНЛАШАЁТГАН, ЁШЛАРНИ ЁТ ҒОЯ ВА МАФКУРА, САЛБИЙ ИЛЛАТЛАР ТАЪСИРИГА ТОРТИШГА УРИНИШЛАР ТОБОРА КУЧАЯЁТГАН БИР ШАРОИТДА АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ ОРЗУ-УМИДЛАРИ, ИНТИЛИШЛАРИ ВА БОЙ ТАФАККУРИНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН БУНДАЙ БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗНИ КЎЗ ҚОРАЧИҒИДАЙ АСРАШ ВА УНИ УЛҒАЙИБ КЕЛАЁТГАН АВЛОД ОНГ-ШУУРИГА ЧУҚУР СИНГДИРИШ ВАЗИФАСИ ЯНАДА ДОЛЗАРБЛИК КАСБ ЭТМОҚДА.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавий-маърифий жабҳада олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Ушбу йўналишда ишлаб чиқилган дастур ва лойиҳалар, хусусан, "Ёшлар йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорликда изчил иш олиб бораётир. Жумладан, Ўзбекистон ёшларининг "Камолот" ижтимоий ҳаракати ўзининг бу борадаги фаолиятини ташкил этишда таъсирчан услуб ва воситаларни топишга, ёшлар орасига янада чуқурроқ кириб бориш, йигит-қизларимиз билан барча жабҳаларда ҳамнафас бўлиш ва уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётир.

Келажак эгаларини бой тарихимизга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган ва дунё цивилизацияси тараққиётида муносиб ўрин тутадиган бебаҳо қадриятларига эҳтиром руҳида тарбиялашда улуғ алломаларимиз томонидан яратилган маънавий мероснинг ўрни беқиёс. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашидан маълум қилишларича, ёшлар ташкилотлари томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий лойиҳаларда тарихимизда муносиб из қолдирган улуғ аждодларимизнинг умрбоқий асарларида илгари сурилган эзгу ғояларни тарғиб этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бундай фаолиятни амалга ошириш эса етакчилардан катта маҳорат ва билим талаб этади. Шу боис ёшлар ташкилотларида фаолият юритаётган мутахассисларнинг бу борадаги билимини янада ошириш, мустақил фикрлаш ва ташаббускорлик салоҳиятини юксалтириш мақсадида "Энг фаол маънавият тарғиботчиси" танлови эълон қилинди.

*(Давоми 2-бетда).*

